БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«ҚЗЫЛ ЎЗБЕКИСТОН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР.

42-йил чиқиши
№ 69 (11. 515).

24 март, пайшанба, 1960 йил,

Баҳоси 30 тийин.

ТИНЧЛИК ВА ДЎСТЛИК МИССИЯСИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. ХРУШЧЕВ Францияга жўнаб кетди

23 мартда москваликлар Франция Республикаси Президенти генерал Шарль де Голльнинг таклифига биноан, Парижга давлат визити билан «ИЛ-18» ҳаво лайнерида учиб кетган СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчевни самимий узатиб қўйдилар.

Тинчлик ва дўстлик миссияси билан бораётган Совет ҳукумати Бошлиғига СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Чет мамлакатлар билан маданий алоқалар давлат комитетининг раиси Г. А. Жуков, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш бош бошқармасининг бошлиғи профессор В. С. Емельянов, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Иқтисодий комиссиясининг раиси О. И. Ивашченко, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги коллегиясининг аъзоси профессор А. М. Марков, шунингдек Л. Ф. Ильичев, П. А. Сатюков, А. И. Аджубей, Г. Т. Шуйский, В. С. Лебедев, О. А. Трояновский, Н. С. Захаров, С. Т. Базаров, В. Ф. Грубяков, И. И. Ильичев, М. А. Харламов, Ф. Ф. Молочков, В. И. Ерофеев, М. С. Рогов ҳамроҳлик қиладилар.

СССР давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида баҳорнинг ажойиб тонгида меҳнаткашларнинг жуда кўп вакиллари Совет ҳукумати Бошлиғини узатиб қўйиш учун тўпландилар.

А. Б. Аристов, Л. И. Брежнев, К. Е. Ворошилов, Н. Г. Игнатов, Ф. Р. Козлов, О. В. Куусинен, А. И. Микоян, Н. А. Муҳитдинов, М. А. Суслов, Е. А. Фурцева, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, Д. С. Коротченко, Д. С. Полянский ўртоқлар, СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари А. Ф. Засядько ва Д. Ф. Устинов, Россия Федерацияси Олий Совети Президиумининг Раиси Н. Н. Органов, СССР Олий Совети Иттифоқ Советининг раиси П. П. Лобанов, СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. П. Георгадзе СССР Олий Совети Президиумининг аъзолари А. А. Андреев, С. М. Будённий ва В. И. Устинов, СССР ва РСФСР министрлари, КПСС Марказий Комитетининг аъзолари ва КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидатлар, СССР давлат комитетларининг раислари, Совет Иттифоқи маршаллари, Москва ва Москва области партия ва совет ташкилотларининг раҳбарлари, КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, СССР Ташқи ишлар министрлиги бўлимларининг мудирлари ва масъул ходимлари ҳамда бошқа расмий шахслар Внуково аэродромига келдилар.

Узатиб қўйиш учун келганлар орасида СССРдаги чет эл дипломатик вакилликларининг бошлиқлари, СССРдаги Франция элчихонасининг муваққат ишлар вакили Жан де ля Гранвиль бошчилигидаги ходимлари, совет, чет эл журналистлари бор эди.

Москвада меҳмон бўлиб турган Руминия ҳукумат делегациясининг бошлиғи — Руминия Халқ Республикаси Министрлар Совети раисининг ўринбосари А. Бирлэдяну ва делегация аъзоси — Руминия Халқ Республикаси госпланининг раиси М. Гастон ҳам аэродромга келган эди.

Н. С. Хрушчев учиш майдонига келиб, совет раҳбарлари, министрлари, чет эл дипломатлари билан дўстона хайрлашди, улар Совет ҳукумати Бошлиғига бу олижаноб вазифани бажаришда муваффақиятлар тиладилар. Н. С. Хрушчев москваликлар олдига келганида, аэродромда гулдурос қарсаклар бошланиб кетди.

— Оқ йўл бўлсин, Никита Сергеевич! — деб ҳамма хитоб қилди, «ура!» садолари янгради. Оқ йўл тилаб айтилган бу сўзларга барча совет кишилари қўшиладилар. Бутун мамлакат Совет ҳукумати Бошлиғининг Совет-Франция муносабатлари тарихидаги бу биринчи сафари ҳар иккала мамлакат халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш ишига, халқаро вазиятни янада юмшатишга янги ҳисса бўлиб қўшилишини истайди.

СССР Министрлар Совети Раиси Н. С. Хрушчев, унинг оиласи ва ҳамроҳлари тушган «ИЛ-18» самолёти эрталаб роса соат 8 да ҳавога кўтарилиб, Ғарбга томон йўл олди. (ТАСС).



АЗАМАТЛАР ҒАЙРАТИ БИЛАН...

Сўнгги йилларда Сурхондарё областининг маркази — Термизда уй-жойлар, маданий-маиший бинолар қурилиши авж олдириб юборилди. Бинокорлар 1959 йилда неча ўн минг квадратметр уй-жой биноларини фойдаланишга топширдилар. Саноат корхоналари қурилиши ҳам жадал суръатлар билан бораётир. Етти йилликда мамлакатимиз шарқий дарвозасининг маркази энг обод, энг кўркам шаҳарлардан бирига айланади.

Қурилиш ишларининг кун сайин авж олаётганлиги бинокорлик материаллари саноатини янада юксалтиришни талаб қилди. Бундан икки йил муқаддам ишга туширилган Термиз темир-бетон конструкциялари заводи қурилишни индустриал методлар билан олиб боришда катта роль ўйнамоқда. Бинокорлик материаллари корхонасининг меҳнатсевар коллективи темир-бетон буюмлари ишлаб чиқаришни кўпайтирмоқда. Бу ерда қаватлараро ёпқичлар, тўсинлар, дераза устунлари тайёрланаётир. Ишлаб чиқарилаётган темир-бетон буюмларининг таннархи ўтган йилдагига қараганда қарийб 10 процент камайди. Бу муваффақиятга иш жараёнларини механизациялаштириш натижасида эришилди.

Бетон заводининг коллективи етти йилликнинг иккинчи йили топшириғини муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақага қўшилган. Улар меҳнат унумдорлигини ошириш билан бирга, ишлаб чиқарилаётган ҳар бир кубометр темир-бетон конструкциялари таннархини 10-15 процент камайтиришга эришмоқдалар.

Яқинда деворбоп панелларнинг ғавакли турларини ишлаб чиқарадиган юқори унумли установка ишга туширилди. Янги техникани жорий этишда комсомол-ёшлар ғайрат кўрсатдилар.

Сиз икки азамат йигитнинг завқ-шавқ билан меҳнат қилаётганлигини кўриб турибсиз. Корхона коллективи эришаётган ҳар бир муваффақиятда ана шу азаматларнинг ҳам хиссаси бор. Тилла Оқбўтаев ва Тоҳир Отабоев ўтган йил Шарғундаги ҳунар мактабини аъло баҳолар билан битириб, завод қучоғига келган эдилар. Ёшлар қисқа вақт ичида ғавакли бетон қуйиш касбини ўрганиб олдилар. Тилла ва Тоҳир бир участкада меҳнат қилмоқда. Бу икки комсомол ҳам ишда, ҳам ўқишда бир-бирига кўмаклашади. Улар сменна нормасини 150-170 процентга етказиб бажармоқдалар.

СУРАТДА: 1. Тилла **Оқбўтаев** ва Тоҳир **Отабоев** (ўнгда). 2. Янги установканинг умумий кўриниши.

А. КИМ фотолари.
(ЎзТАГ фотохроникаси).

Н. С. ХРУШЧЕВ Парижга келди

ПАРИЖ, 23 март. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев маҳаллий вақт билан соат 10 дан 52 минут (Москва вақти билан соат 12 дан 52 минут) ўтганида Парижга келди. Н. С. Хрушчев Франция Республикаси Президенти генерал Шарль де Голльнинг таклифига мувофиқ давлат визити билан келди.

Совет ҳукумати Бошлиғининг тинчлик ва дўстлик сафарида унга СССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари, СССР Госпланининг раиси А. Н. Косигин, СССР Ташқи ишлар министри А. А. Громико, СССР Министрлар Совети Чет мамлакатлар билан маданий алоқа давлат комитети раиси Г. А. Жуков, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш Бош бошқармасининг бошлиғи профессор В. С. Емельянов, СССР Олий Совети Миллатлар Совети Иқтисодий комиссиясининг раиси О. И. Ивашченко, СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги коллегиясининг аъзоси профессор А. М. Марков ва бошқалар ҳамроҳ бўладилар.

Н. С. Хрушчев билан биргаликда унинг рафиқаси ва онласининг бошқа аъзолари ҳам келдилар.

Ҳурматли совет меҳмонини кутиб олиш учун Орли аэродромига Франция Республикасининг Президенти генерал де Голль, бош министр Мишель Дебре, ташқи ишлар министри Кув де Мюрвиль, СССРнинг Францияда элчиси Виноградов, Франция ҳукумати, дипломатия корпуси, матбуот, радио, телевидениенинг жуда кўп расмий вакиллари келдилар. Қуёш ўз нурини сочиб турган шу кунда азиз меҳмонни табрикламоқ учун бу ерга келган неча минглаб парижликлар аэродром теварагига тўпландилар.

Совет ҳукуматининг Бошлиғи самолётдан чиққанида, уни табрик хитоблари билан, ҳарбий оркестрнинг тантанали музикаси садолари билан кутиб оладилар. СССР ва Франция давлат гимнларининг тантанали садолари янграйди. Н. С. Хрушчев саф бўлиб тизилган фахрий қоровул олдидан генерал де Голль билан биргаликда ўтади. Франциядаги совет элчихонаси ходимларининг болалари югуриб келиб, Н. С. Хрушчевга гулдасталар тақдим этадилар.

Шундан кейин совет меҳмонлари Франциянинг расмий кишилари билан биргаликда ҳурматли меҳмонлар учун ажратилган салонга кирадилар. Бу ерда совет меҳмонларининг Франция бўйлаб қиладиган сафарларида уларга ҳамроҳ бўладиган Франция Республикасининг расмий вакиллари билан Н. С. Хрушчевни таништирадилар.

Генерал де Голль Совет Иттифоқи вакилларига қарата табрик нутқи сўзлади.

Президент де Голль Н. С. Хрушчевга мурожаат қилиб, қуйидагиларни айтади:

Сиз шундай улуғ бир мамлакатнинг номидан келдингизки, Франция тарихининг деярли ҳар бир даврида бу мамлакат билан бирга бўлган эди ва энг даҳшатли уруш вақтида бу мамлакат Франция томонида бўлган эди. Сиз шундай давлат номидан келдингизки, бу давлат ташвиш билан тўлиб тошган дунёда ҳозирги пайтда муҳим ўрин эгалламоқда. Сиз шундай халқ номидан келдингизки, келгусида кишилар ўртасидаги тинчлик шу халққа кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Де Голль сўзини давом эттириб айтдики, Сиз бизнинг мамлакатимизга ҳаётий куч ва ғайратга тўлиб тошган ҳолда, жуда катта фикр-ўйлар билан, Россияга ва Францияга тааллуқли ишлар юзасидан, шу билан бирга, тинчлик проблемаларига доир ишлар юзасидан биз билан суҳбатлашиш истаги билан келдингиз.

Биз Сизнинг фикрларингизни эшитишга ва ўз фикрларимизни баён қилишга, бизнинг мамлакатимизга ташриф буюрган кунлар давомида Сиз билан мулоқатда бўлиш ва ўз ниятларимизни изҳор қилишга тайёрмиз.

Н. С. Хрушчев аэродромда сўзлаган нутқида Президент де Голльнинг Францияга келиш ҳақидаги таклифини мамнуният билан қабул қилганлигини ва Франция Президенти генерал де Голль билан учрашувидан хурсанд эканлигини, совет кишилари генерал де Голльни Франциянинг ватанпарвари сифатида ҳурмат қилаётганликларини таъкидлади.

Н. С. Хрушчев генерал де Голль билан учрашувлар ва суҳбатлар ҳар иккала мамлакат ўртасидаги ҳамжиҳатликни яхшилашга олиб келади, деб умид билдирди.

СССР Министрлар Советининг Раиси давлат арбобларининг сафарлари ва учрашувлари амалий алоқа ва ҳамкорлик ўрнатиш учун бениҳоя катта аҳамиятга эгадир ва халқаро муносабатларда ҳамжиҳатлик ва ишонч ўрнатишга ёрдам беради, деб уқтириб ўтди. Совет Иттифоқида бўлгани каби Францияда ҳам, деди Н. С. Хрушчев, уруш вақтида гитлерчилар ташлаб кетган ва портламаган бомбалар, снарядларни, баъзан эса, ўқ-дори омборларини ер тагидан ҳали ҳам қидириб топмоқдалар. Снаряд ва бомбалар занглаб қолган ва уларни ер тагидан чиқариб олиш жуда катта хавф-хатар билан боғлиқдир. Аммо, уларни ўз жойида қолдириш янада кўпроқ хавф-хатарга дучор қилган бўлур эди.

Хўш, нима қилмоқ керак? Бизнинг сапёрларимиз бундай ҳолларда дадиллик билан ишга киришадилар ва чаққон ҳамда моҳирлик билан ҳаракат қилиб, урушнинг ана шу хавфли оқибатларини йўқотмоқдалар. Сизлар билан биз, давлат арбоблари ҳам ҳудди шундай ҳаракат қилиб, қадимий ва гўзал еримизни қора кунлар бўлган уруш даврининг оқибатларидан тозалашимиз керак. Бу қийин, мураккаб иш, лекин биз умумий ишни ахиллик билан яхши бажарадиган бўлсак, халқлар бизга раҳмат дейдилар.

Биз сизга энг яхши туйғулар билан келдик. Бизнинг халқимиз, деб сўзини давом эттирди Н. С. Хрушчев, Франция халқи билан дўст бўлиб яшашни истайди.

Европадагина эмас, балки бошқа жойлардаги вазият ҳам мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларнинг қандай ривожланиб боришига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Совет Иттифоқи ва Франция Европа қитъасидаги иккита буюк давлат сифатида тинчликни сақлашнинг туб масалаларида бошқа тинчликсевар мамлакатлар билан биргаликда бамаслаҳат бир хил позицияда турар эканлар, ҳеч қандай агрессив кучлар Европада бош кўтаролмайдилар ва тинчликни бузолмайдилар, деб айтсак, муболаға бўлмайди. Биз биргаликда ҳаракат қилиб, Европадаги барча мамлакатлар ўртасида тинч ҳамкорликни йўлга қўйиш учун кўп жиҳатдан ёрдам бера оламиз.

Бизнинг мамлакатларимиз замонамизнинг энг муҳим проблемаси — қуролсизланиш проблемасини ҳал этишда ҳам катта роль ўйнай оладилар.

СССР Министрлар Советининг Раиси сўзининг охирида, Францияга келган шу минутларда совет кишиларининг Франциянинг шонли халқига энг яхши истакларини зўр мамнуният билан изҳор қиламан, деди.

Нутқлар сўзлаб бўлинганидан кейин, Н. С. Хрушчев ва совет делегациясининг аъзолари генерал де Голль ва Франциянинг расмий кишилари билан биргаликда машиналарга тушиб, Парижга томон йўл олдилар. Орли аэродромидан пойтахтгача бутун йўл байроқлар билан ва: «Хуш келибсиз, Никита Хрушчев!», «Яшасин Франция-Совет дўстлиги!» деган табрик шиорлари ёзилган транспарантлар билан безатилган эди.

Баҳор қуёши ўз нурини сочиб турган кўчаларда парижликлар гавжум. Улар қўлларини кўтариб, қизил совет байроқчаларини ва Франция Республикасининг кўк-оқ-қизил байроқчаларини кўтарнб, табриклайдилар.

Монпарнас бульвари ёнида меҳмонларни кузатиб борувчи мотоциклчилар ўрнини республика гвардиясининг отлиқ аскарлари оладилар. Турли қўшин турларининг меҳмонларни кутиб олиш учун саф тортган қисмлари уларга салют берадилар. Машиналар Сена дарёси қирғоғи бўйлаб Кэ д'Орсэ саройига — Совет ҳукумати бошлиғининг ўз визити вақтида турадиган резиденциясига қараб йўл оладилар.

Н. С. Хрушчев Кэ д'Орсэ саройида бир оз вақт бўлганидан кейин, Президент де Голль билан биргаликда Президентнинг расмий резиденцияси бўлган Елисей саройига жўнаб кетди.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ядро физикаси институтв атом реакторини қуриш ва ишга туширишда қатнашганликлари учун Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ, қуйидагилар Ўзбекистон ССР Олий Советининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотландилар: Ўбай Орипович **Орипов** — академик, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси институтининг директори, Александр Иванович **Васин** — СССР Фанлар академияси Атом энергияси институти директорининг ўринбосари, Николай Александрович **Гребешков** — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш бош бошқармасининг ходими, Николай Васильевич **Звонов** — СССР Фанлар академияси Атом энергияси институти объектининг бош инженери, марҳум Игорь Васильевич **Курчатов** — академик, СССР Фанлар академияси атом энергияси институтининг директори, Валентин Алексеевич **Левша** — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш бош бошқармасининг ходими, Константин Назарович **Мешчеряков** — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш бош бошқармасининг ходими, Александр Михайлович **Миклишанский** — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш бош бошқармасининг ходими, Виктор Иванович **Синицин** — СССР Министрлар Совети ҳузуридаги атом энергиясидан фойдаланиш бош бошқармасининг ходими, Сергей Васильевич **Стародубцев** — Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, институтдаги ядро физикаси бўлимининг раҳбари, Михаил Алексеевич **Шчусев** — СССР Фанлар академияси ГИПРОНИИ устахонасининг мудири. Жами 26 киши мукофотланди.

НУР ЙЎЛИ УЗАЯДИ

Бухоро Марказий электр станцияси ишчилари, хизматчилари ва инженер-техник ходимларининг фикри-зикри областнинг узоқ-яқинидаги хонадонларини, йўллар, жамоат жойларини Ильич нури билан чароғон қилишдир. Етти йилликнинг биринчи йилида Бухоро-Свердлов, Бухоро-Когон, Бухоро-Ромитан юқори вольтли нур йўллари битказилиб, колхозчилар, чўпончўлиқлар хонадони электрлаштирилди.

Яқинда Бухоро район, Галаосиё қишлоқ Советидаги Ленин номли, Сталин номли ва Калинин номли колхоз хонадонларига нур келтирилди. Районларни электрлаштириш ойлик, квартал топшириқлари муттасил ошириб бажарилаётир.

— Қўлга киритилган ютуқлар билан хотиржам бўлмаслигимиз лозим, — дейди станция бош инженери ўртоқ В. В. Морозов, — чунки, ҳали ишимизда анчагина нуқсонлар бор ва олдимизда катта-катта вазифалар турибди. Шу йилнинг ўзида Бухоро шаҳрига 2600 киловатт, Когон районига 1360 киловатт электр қуввати юборишимиз ва Ғиждувон, Вобкент, Шофирком районларига нур йўли қурилишини тугаллашимиз лозим. Ҳозир станциядаги энергопоезд ва дизеллар районларни қўшимча электр қуввати билан таъмин эта олмайди. Шунинг учун яна ҳар бири 4 минг киловаттдан қувват берадиган иккита энергопоезд бўлади.

И. УРИНОВ.

Н. С. ХРУШЧЕВ президент де ГОЛЛЬ ҳузурида бўлди

ПАРИЖ, 23 март. (ТАСС). СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев бугун Франция Республикаси Президенти Шарль де Голльнинг резиденцияси — Елисей саройида унинг ҳузурига расмий визит билан борди. Совет ҳукуматининг Бошлиғи билан Франция Президенти ўртасида суҳбат бўлди. Шундан кейин Н. С. Хрушчев ўз шарафига Президент де Голль томонидан берилган зиёфатда ҳозир бўлди.

РОҲАТИ БИР ЖОНА ЕТИШДИМ

(Турсунойнинг ташаббуси колхоз қишлоғи қизлари ўртасида қудратли тўлқин яратди — ёш юракларни терим машиналарида ишлашга отлантирди).

Меҳнат дедим-у шавкат ила шона етишдим,
Шуҳрат қозониб, яшин бир унвона етишдим.

Мен истар эдим машина ҳайдовчи бўлишни,
Ўргандим уни — орзу-ла армона етишдим.

Ишлаб ғўзани машинада икки тарафдин,
Кетмонни қўйиб, роҳати бир жона етишдим.

Шахмат-уялаб экқан эдим ерга чигитни,
Меҳнатни тежаб ҳосили мўл кона етишдим.

Машинам ила юз тонналаб териб «оқ олтин»,
Қўл меҳнатидан озоди имкона етишдим.

Техника ривож топди мудом мамлакатимда,
Зўр парвоз этиб, ой ила осмона етишдим.

Раҳматлар бўлсин жондан азиз партиямизга,
Бахтим очилиб, ахдима мардона етишдим.

Дўстлик яшасин, тинчлигимиз бўлсин омонда,
Шу элда ўсиб, бахтли бу даврона етишдим.

Мадрайим РАҲМОНОВ.
Урганч.

„Главгаз“ экспедицияси Хоразмда

Пахтага кон Ўзбекистон «яшил ёнилғи» конига ҳам айланди. Ҳозир Газли-Ўрол газ қувури ўтадиган жойларни аниқлаш тугалланмоқда.

— Газли-Ўрол газ қувури трассасида, — деди СССР «Главгаз» экспедицияси ва шарқий районларда магистрал газ қувурлари қурилиши бошқармасининг бошлиғи А. И. Лубяний, — бултур «Гипроспецгаз»нинг биринчи экспедицияси геология, топография разведкаларини ўтказди. Бизнинг вазифамиз газ қувури трассасида компрессор станцияларини қурилади ган ерларни аниқлаш, ҳар бир участкада ишни тўғри ташкил этиш ва механизмлардан фойдаланиш юзасидан конкрет план ишлаб чиқишдан иборатдир.

Экспедициямиз Газли-Амударё участкасидаги ишларни тугаллади. Бизга бу ишда область қишлоқ хўжалиги мутахассислари ва ер тузувчилар катта ёрдам бердилар.

Бу йил Газли-Ўрол газ қувурини қуришга киришилади. Трассанинг қатор участкаларида заводлар, базалар ва қурувчилар учун уй-жойлар қурила бошлади. Трасса қурувчилари бу йил 135 миллион сўмлик иш бажаришлари керак. 1962 йилда Хоразм областининг шаҳар ва қишлоқларини Бухоро табиий газидан баҳрамандбўлади. 1963 йилда Газли-Челябинск магистрали, 1965 йилда Газли-Свердловск магистрали битказилади.

Областда иш олиб бораётган экспедиция энг кучли машиналар, мураккаб аппаратлар билан қуролланган. Экспедиция составида СССР «Главгаз» қурилиш ташкилотлари раҳбарлари, «Гипроспецгаз» лойиҳалаш институти, газ қувури қурилиши Бутуниттифоқ илмий-текшириш институти вакиллари, лойиҳачилар, қидирувчилар, механизаторлар, медицина ходимлари, ёзувчилар ва бошқа кишилар бор.

С. ИБРОҲИМОВ,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

МАМЛАКАТНИНГ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНЛАРИДА

(ТАСС ХАБАРЛАРИДАН)

⊙ Шу йилнинг биринчи кварталида Ленинград Халқ хўжалиги кенгашига қарашли 50 дан ортиқ машинасозлик заводи қисқартирилган иш кунига ўтди. Апрель ойида Киров заводи, С. М. Киров номли «Электросила» заводи ва бошқа корхоналар қисқартирилган иш кунига кўчирилади.

⊙ Одесса Халқ хўжалиги кенгашига қарашли саноат корхоналарининг меҳнаткашлари учқ иқтисодий район — Молдавия, Краснодар ва Ҳерсон иқтисодий районлари билан бўлган социалистик мусобақада ўз олдиларига 1961 йил учун планлаштирилган ишлаб чиқариш даражасига етти йилликнинг иккинчи йилида эришиш вазифасини қўйдилар. Яқинда Одессада корхоналар актининг мусобақалашаётган халқ хўжалиги кенгашлари делегациялари иштирокида йиғилиши бўлиб ўтди. Бунда ишлаб чиқариш тажрибаси ўртоқлашилди, етти йилликни муддатидан илгари бажаришдан иборат қўйилган вазифани ҳал қилишда ўзаро ёрдам кўрсатиш йўллари белгиланди.

⊙ Киев иқтисодий районининг Халқ хўжалиги кенгашн етти йилликнинг иккинчи йилида янги техника кашф этиш тўғрисидаги масалани муҳокама қилди. Корхоналарнинг машинасозлари янги, анча мукаммал бўлган машиналар, станоклар ва механизмларнинг 160 дан ортиқ хилларини яратадилар.

⊙ Эстония Халқ хўжалиги кенгаши бу йил ўқув юртларини тамомлаб чиқувчи 800 дан ортиқ инженер-техникни саноат тармоқларига тақсим қилди. Кейинги икки йил ичида республика саноатида инженерлар сони анча кўпайди.

⊙ Харьков Халқ хўжалиги кенгаши ва ВНИИГАЗ институти Украина филиали коллективи Шарқий Украина газнефть ҳавзаси геологик тузилишининг батафсил картасини тузишни тугаллади. Тузилган картада газ ва нефть қидириш учун перспективали бўлган бир юз эллиқдан кўпроқ структуралар белгиланди.

Етти йиллик қаҳрамони—очерк қаҳрамони

«Очерк ва етти йиллик қаҳрамонлари» — 22 мартда Ҳамид Олимжон номидаги республика адабиётчилар уйида шу темада катта ижодий мунозара бўлиб, мунозарада етакчи ёзувчилар, журналистлар, адабиётшунослар, олий ўқув юртларининг студентлари қатнашди.

Мунозарани Ўзбекистон Ёзувчилар союзининг секретари Аскад Мухтор очди. У очерк жанри ўзбек адабиётида муносиб ўрин олаётганлигини, очерк китобхонларда қизиқиш уйғотаётганлиги, адабиётнинг бу жанговар, ҳозиржавоб жанрини ривожлантириш зарурлигини айтди.

Филология фанлари кандидати М. Қўшчанов ёзувчилар ва журналистларнинг очеркларини батафсил таҳлил қилди, кейинги вақтларда бу жанр анча ривож топганлигини, очеркларда ҳаётимизнинг актуал масалаларини дадил кўтариб чиқилаётганлигини кўрсатиб ўтди. Н. Сафаров, Ҳаким Назир, И. Шамшаров ва бошқа очеркчиларнинг бирмунча очерклари шулар жумласидандир.

Талантли ёш очеркчилар етишмоқда. Ш. Ғуломов, С. Маҳкамов, С. Ҳасан, Ў. Юсупов, К. Сатторов. Х. Салоҳ ва бошқаларнинг номлари китобхонларга маълумдир.

— Очеркчи, — деди доклад-чи, — ҳаёт билан ҳамнафас бўлиши, ҳаётдаги янгилик куртакларини тезда пайқаб олиб, унинг катта кучга айланишини бадиий тасвирда акс эттириши лозим. Бу — очеркчидан юксак маҳорат талаб этади.

Ўзбекистон журналистлар союзи Тошкент шаҳар бўлимининг секретари Г. Димов Ўзбекистондаги рус ёзувчилари ва журналистларининг очеркларини таҳлил қилиб, очеркчилар ҳаётга тобора чуқурроқ кириб бораётганини айтди.

Г. Димов Т. Есенина, Г. Тамарина, Н. Сараджева, Л. Топорков каби бир қанча очеркчиларнинг асарларини мисолга келтирди.

Очеркчилардан Н. Сафаров, Ҳаким Назир, Ҳ. Нуъмон, Саид Аҳмад, Т. Есенина, Раҳмат Файзий, О. Ёқубов, И. Шамшаров ва бошқалар ўз ижодий тажрибаларини ўртоқлашдилар. Улар ёзувчи ва журналистларни ҳаётни чуқурроқ ўрганишга, етти йиллик қаҳрамонлари образини яратишга, бадиий теран очерклар ёзишга чақирдилар.

Адабиётшунослардан Б. Имомов, И. Мирзаевлар очерк жанри ҳақида гапирдилар.

Мирмуҳсин, Ў. Умарбеков ўртоқлар очеркчиларни журнал ва радиога ғоявий бадиий юксак очерклар билан қатнашишга чақирдилар. Бухоролик ёш очеркчи М. Халилов Бухоро газчилари ишини, ҳаётини ўрганиб, кунимиз қаҳрамонлари ишини улуғлайдиган очерклар яратиш масаласини қўйди.

Ўзбекистон Журналистлар союзининг раиси И. Раҳимов мунозарага якун ясаб, очеркларда коммунистик меҳнат бригадаларни ифодаланаётган коллектив қаҳрамонликни кенг, чуқур тасвирлаш жуда муҳимлигини айтди. Улуғ етти йиллик қаҳрамонлари, улар бунёд қилаётган ишларни муносиб даражада ёркин тасвирлаш учун ёзувчилар ва журналистлардан иборат бригада тузиб, қурилишларга, колхоз ва совхозларга юбориш лозим.

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

СИЁСИЙ МАОРИФ УЙИ ШУ КУНЛАРДА

Самарқанд шаҳар партия комитетининг сиёсий маориф уйи пропагандистларнинг ғоявий-назарий савиясини ошириш ва методик маҳоратини такомиллаштириш юзасидан бир қанча тадбирларни кўрмоқда. Аввалари фақат ёз вақтидагина пропагандистларнинг ойлик курслари ташкил этилар эди. Ҳозир биз бундай курслар ўрнига бутун ўқув йили давомида ҳар икки ойда бир марта уч кунлик семинар ўтказиб турибмиз. Бу — ижобий натижалар бермоқда. Семинарларда назарий темалардаги лекциялардан ташқари, методик маслаҳатлар берилмоқда, энг яхши пропагандистларнинг иш тажрибалари оммалаштирилмоқда.

Сиёсий маориф уйи ҳузурида 33 кишидан иборат методика совети тузилган. У КПСС тарихи, сиёсий иқтисод, конкрет экономика, сиёсий билим асослари, марксча-ленинча фалсафа секцияларига бўлинган. Яқинда методика советининг таркиби янгиланиб мустаҳкамланди.

Методика советининг аъзолигига энг малакали пропагандистлар, олий ўқув юртларининг ўқитувчилари ва халқ хўжалигининг турли соҳасида ишловчи мутахассислар тортилди. Совет аъзолари пропагандистларга ҳар томонлама амалий ёрдам бермоқдалар. Машғулотларда мунтазам равишда иштирок этиб, машғулотлар мазмунини таҳлил қилиб, пропагандистларга маслаҳатлар берадилар. Методика советининг ёрдами билан сиёсий маориф уйи пропагандистларнинг тажриба алмашувини, айрим масалалар юзасидан методик йўл-йўриқлар ишлаб чиқишни ташкил этди.

Пропагандистларга бевосита ишлайдиган жойида амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида йирик партия ташкилотлари ҳузурида сиёсий маориф кабинетлари ташкил этилаётир. Ҳозир шундай кабинет суперфосфат заводида ишлаб турибди. Завод маъмурияти сиёсий маориф кабинети учун яхши бино берди ва оммавий кутубхонадаги сиёсий адабиётлардан бир қисмини ажратди. Назарий тайёргарлиги етарли бўлган коммунистлар бу кабинетда навбатчилик қилиб, пропагандистларга консультациялар берадилар, методик йўл-йўриқлар кўрсатадилар. Биз яқин вақт ичида яна еттита йирик партия ташкилоти ҳузурида ана шундай кабинет ташкил қилиш учун тайёрлик кўряпмиз.

Сиёсий маориф уйи пропагандистлара, марксизм-ленинизм назарияларини мустақил ўрганувчиларга якка ва группа шаклида консультация уюштирмоқда. Маълум кун ва маълум соатда турли назарий масалалар бўйича консультация ўтказилади. Йигирмадан ортиқ йирик партия ташкилоти қошида ҳам консультация пунктн ташкил этилган. Уларда штатсиз консультантлар навбатчилик қиладилар. Партиямиз Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ консультация пунктлари ва штатсиз консультантлар кўпайтирилди.

Лекция пропагандасининг савиясини оширишга бўлган талаб кун сайин ўсиб бормоқда. Муҳим назарий ва практик масалалар юзасидан бўлаётган лекцияларга коммунистлар ва партиясиз актнвлар зўр қизиқиш билан қарамоқдалар. Бу бизни лекция пропагандасининг формасини тўхтовсиз такомиллаштириб боришга, лекцияларнинг сифатини яхшилашга ундайди.

Шаҳар партия комитетининг 55 кишилик лекторлар группаси сўнгги вақтда лекцияларни табақалаштирилган ҳолда ташкил қилишда дуруст натижаларга эришди. Лекцияни тайёрлаш ва уни ўтказишда назарий масалаларни мустақил ўрганувчиларнинг, турли тўгарак ва семинарларда шуғулланувчиларнинг билим савиялари ҳисобга олинмоқда.

Ленин номидаги завод, суперфосфат заводи, «Ҳужум» фабрикаси, Ўзбекистон Давлат университети ва Қишлоқ хўжалик институтида тузилган лекторлар группалари лекцияларнинг таъсир доирасини кенгайтириш ва бунга омманинг ҳамма қатламини жалб қилишда катта роль ўйнамоқда.

КПСС Марказий Комитетининг қарорини амалга ошириш юзасидан кўрилган бу тадбирлар катта ва масъулиятли ишнинг бошланишигина, холос. Партия Марказий Комитетининг қарори партия ташкилотларига идеология ишларини янада кучайтириш учун чексиз имкониятлар очиб берди. Биз ана шу имкониятлардан тўла фойдаланиб, ўз ишимизни ҳозирги замон талаби асосида ташкил қилиш учун зарур бўлган ҳамма тадбирларни кўрамиз.

В. ОЧИЛОВ,

Ўзбекистон КП Самарқанд шаҳар комитети ҳузуридаги сиёсий маориф уйининг консультанти.

ЎРИНСИЗ МАҒРУРЛАНИШ

Райком секретари ўртоқ Фозилбековнинг кабинетига одатдагидек бугун ҳам пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Куртибоев, лектор-консультант Алломов ва Пўлдошев ўртоқлар кириб келишди. Улар лекция пропагандасининг аҳволи ҳақида секретарга ахборот бердилар. Суҳбат давомида шундай факт, рақам ва мисоллар тилга олиндики, секретарь «қилинган ишлар»дан ғоят мамнун бўлди.

Ҳақиқатда эса аҳвол бутунлай бошқача эди. Районда лекция пропагандаси яхши йўлга қўйилмаган. Аҳён-аҳёнда ўқилаётган лекцияларнинг ҳам савияси паст. Район раҳбарлари Киров номли, Оржоникидзе номли колхозларда, Беруний номидаги совхозда ҳар хил темада лекция ўқилгани ҳақида гапирадилар. Бироқ, улар айрим лекторлар анча эскириб қолган конспект асосида лекция ўқиётгани, лекция ҳаётдан ажралиб қолгани, маҳаллий фактлар ва хўжалик олдида турган конкрет вазифалар билан боғланмаганлиги сабабли, тингловчиларда яхши таассурот қолдирмаётгани каби ачинарли аҳвол билан қизиқмайдилар.

Район партия комитети ҳузурида ташкил қилинган агитаторлар семинарида машғулотлар вақтида ўтказилмайди. Агитаторларнинг тажриба алмашиши уюштирилмаган. Механизаторларда совет фани ва техникасининг муваффақиятлари ҳақида мароқли лекциялар тинглаш иштиёқи зўр. Аммо шундай темаларда лекция ўқийдиган малакали лекторлар йўқ.

Сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамиятнинг район бўлими (раиси ўртоқ Эгамов) механизаторларни қизиқтирадиган темаларда лекция ўқилишини таъминлаш ўрнига, фақат маълумот тўплаш билан овора бўлмоқда.

КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорида механизаторлар орасида ўқилаётган лекцияларнинг савиясини кўтариш, таъсирчанлигини ошириш, уни маълум мақсадга қаратиш катта аҳамиятга молик эканлиги алоҳида уқтириб ўтилган. Беруний район партия ташкилотларининг раҳбарлари бундан тегишли хулоса чиқариб олишлари, лекция пропагандасини йўлга қўйишда ўринсиз мағрурланишдан амалий ишга ўтишлари керак.

Ж. ҚУРБОНОВ.

Самарқанддаги сут комбинати маҳсулотининг сифати йилдан-йилга яхшиланиб, хиллари кўпайиб бормоқда. СУРАТДА: комбинат хизматчиларидан М. Халилова ва Л. Распопова ўртоқлар сутнинг ёғлилигини аниқлаётир.

Б. МИЗРОХИН фотоси.

ҲАЁТ ҚЎЙИНИГА КИРГАЧ...

— Завод бўйича мажбурият бажариляпти. Механика, ремонт цехлари қўлга киритган ютуқлар районда тилга олиняпти. Бу—сиёсий агитациянинг таъсири эмасми?—деди бюро аъзоларидан бири.

— Ютуқлар ҳақида гап борадиган бўлса тилимиз бурро бўлади,— вазмин оҳангда гап қотди партбюро секретари,—аммо камчиликка келганда бир-биримизга қараб кўз уриштирамиз. Бу тўғри эмасда, ахир.

Партия бюросининг бошқа аъзолари секретарнинг фикрини маъқуллади. Аммо, аввалги нотиқ ҳамон ўжарлик қиларди:

— Хўш, қандай хатога йўл қўйибмиз?

— Тўғри, партия бюросининг фаолияти учун ҳаммамиз жонкуяр бўлишимиз керак,—деди секретарь.—Лекин айрим камчиликлар борки, ундан кўз юмиб бўлмайди. Партия ташкилоти ҳисобида 180 дан ортиқ коммунист бор. Бироқ, баъзи коммунистлар оммавий-сиёсий ишларни ташкил қилишда қатнашмаётганлигига бефарқ қараш мумкинми? И. Седов, Е. Қурамшин, А. Безденежний сингари агитаторлар партия бюроси жуда катта амалий ёрдам кўрсатаётганига қарамай, партиявий топшириқни сидқидил билан бажармаётир, улар меҳнатда ўрнак кўрсатиш, коллективни етти йиллик план топшириқларини муддатидан илгари бажаришга сафарбар этиш ўрнига, ўзлари воқеликлар кетидан судралиб қолаётганлигига нима деса бўлади?

Секретарь ўтирганларга разм солгач, сўзини давом эттирди:

— Лекция пропагандасини олайлик. Бу соҳада талабга жавоб берарлик иш олиб бориляптими? Йўқ! Баъзан лекция, суҳбатлар расмият учунгина, юзаки ўтказилади. Тема коллектив олдида турган конкрет вазифалар билан боғланмайди. Айрим агитаторлар тингловчиларга маънавий таъсир кўрсатиш, уни янги муваффақиятларга илҳомлантиришда ожизлик қиладн. Кўргазмали қуроллар камчил. Шу сабабли лекция ва суҳбатлар тингловчиларда яхши таъсир қолдирмаётир...

Бюро аъзолари КПСС Марказий Комитетининг «Ҳозирги замон шароитида партия пропагандасининг вазифалари тўғрисида»ги қарорини яна бир марта муҳокама қилиб чиқдилар. Оммавий-сиёсий ишлар методини янада такомиллаштириш, қизиқарли ва таъсирчан формалар топиш, лекция ва суҳбатларнинг мазмунли бўлишини таъминлашга қаратилган тадбирлар белгиланди. Айрим агитаторларнинг қироатхонлиги, ҳаётдан ажралиб қолаётганлиги қаттиқ қораланди.

Масалан, агитатор М. Шчербаков слесарь, К. Муҳиддинов токарь, В. Докучаев чархчи бўлиб ишлайди. Улар бир иш кунида бир ярим-икки норма бажаради. Шундай меҳнат новаторлари ишлаб турган цехга бошқа цехдан агитатор ўтказишга эҳтиёж борми? Партия бюроси уларни агитатор қилиб тайинлади, тема танлаш, суҳбат ўтказишда кўмаклашди.

Янги агитаторлар ишчиларда меҳнатга, жамоат мулкига коммунистик муносабатда бўлиш ҳиссиётуйғуларини уйғотди, етти йиллик маррасига тез етиб олишда ёрдам кўрсатди. «Бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун» деган шиор ҳаётга татбиқ этилди. Агитаторларнинг жонли суҳбати «коммунистик меҳнат бригадаси», «коммунистик меҳнат ударниги» деган шарафли номни олиш учун бошланган курашнинг оммавий ҳаракатга айланишида катта таъсир кўрсатди. Ҳозир 1960 йил ҳисобига ишлаётган А. Сибатулин бошлиқ бригада, Д. Середович, Ш. Раҳимов, М. Мирзажонов, М. Исмоилов, В. Рибальченко сингари ишчилар заводдда биринчи бўлиб шундай фахрли номни олдиларки, бу — сиёсий агитациянинг дастлабки самарасидир.

Партия бюроси агитаторларга бўлган талабчанликни оширди. Ҳар хил темада умумий гап юритишга қодир, лекин конкрет вазифалар ҳақида лом-мим деёолмайдиган агитаторлар ўрнига, сиёсий тайёргарлиги бор инженер-техник ходимлар ва ишчилардан тайинланди. Шу агитаторлардан бир гуруҳи «Ким рационализатор ва ихтирочи бўла олади?» деган темада суҳбат ўтказди. Завод ҳаётидан қизиқарли мисоллар келтирилди. Коммунист А. Фокин, П. Приливко ва бошқа ўртоқлар ўтган икки ойда давлатга 154 минг сўм фойда келтирадиган рационализаторлик ва ихтирочилик таклифлари тақдим этдилар.

Кейинги ойларда агитаторлар сиёсий ва илмий билимларни тарқатувчи жамият аъзолари билан ҳамкорликда цехларда «В. И. Ленин — Коммунистик партиянинг асосчиси ва ташкилотчиси», «Халқаро аҳвол ҳақида», «КПСС XXI съезди ва партия Марказий Комитети Пленумларининг қарорлари — техника тараққиётининг программаси», «Машина созлик корхоналарида меҳнат ҳақида қонун», «Мастернинг ишлаб чиқаришдаги роли» ва «Совет кишисининг маънавий қиёфаси» деган темаларда лекция ва суҳбатлар ўтказдилар. Бунда асосий эътибор ишчиларнинг сиёсий онгини ошириш билан меҳнат унумдорлигини кўтариш, маҳсулот таннархини камайтириш, сифатини яхшилашга, нуқсонларни тугатишга қаратилди.

Завод 1959 йилда ишлаб чиқариш планини бажарган бўлса ҳам, компрессор ва тепловоз запас қисмлари етказиб беришда давлатдан қарздор бўлиб қолди. Бу ҳол бу йил ҳам такрорлана бошлади. Шунда партия ташкилоти, агитаторларга мурожаат қилди. Улар нуқсонларни тугатиш ҳақида ишчилар, цех бошлиқлари билан якка тартибда суҳбат ўтказадилар. Тўпланган таклиф ва мулоҳазалар дирекция, партия ва касаба союз ташкилотларининг қўшма мажлисида муҳокама қилиниб, топилган резервлар ишга солинди. Натижада ҳар бир станокнинг иш унуми 8—10 процент оширилди, кўплаб хомашё тежалди, 1960 йилнинг икки ойлик топшириғи ошириб бажарилиб, пландан ташқари ярим миллион сўмлик маҳсулот тайёрланди.

Агитаторлар олдиндан тузилган план асосида иш кўрадилар. Кун сайин рўй бераётган ўсиш, ўзгариш, юксалишлар унинг эътиборидан четда қолмайди. Ҳар бир янгилик агитаторнинг диққат марказида туради.

А. Кузьмич, Е. Докучаев ўртоқлар бошчилик қилаётган цехлар ойлик топшириқларини 105—115 процент бажарялпти. Бироқ, планни зўрма-зўраки амаллаётган цехлар йўқ эмас. Агитаторлар лекция, суҳбат ўтказиш, радио орқали, деворий газета ва «Жанговар варақа»лар чиқариш йўли билан илғор цехлар тажрибасини ёймоқдалар, қолоқ цехлардаги сусткашликни тугатишда кўмаклашяптилар.

Тошкент транспорт машинасозлиги заводи партия ташкилоти (секретари ўртоқ У. Раҳимов) ишчилар орасида олиб борилаётган оммавий-сиёсий ишлар савиясини анча оширди. Уни янада яхшилаш, мустаҳкамлаш керак.

М. НАЗАРОВ.

РЯЗАНЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ АСОСИ ДА

САМАРҚАНД, (**Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Гўшт етиштиришни кўпайтириш юзасидан Рязань область чорвадорлари бошлаган ташаббусга қўшилган Пойариқ район колхоз ва совхозлари етти йилликнинг иккинчи йилида уч йиллик планга тенг келадиган миқдорда гўшт сотиш учун курашмоқдалар.

Илғор чорвадорлар молларни бўрдоқига боқишга алоҳида эътибор бераётирлар. Ҳозиргача хўжаликлар колхозчилар ва совхоз ишчиларидан 4 мингга яқин бузоқ сотиб олиб, бўрдоқига боқмоқдалар. Районда молларни бўрдоқига боқиш пункти ташкил қилинди. Бу ерда 1 000 бузоқ, 520 та чўчқа бўрдоқига боқилаётир.

Чўчқачиликни ривожлантириш — гўшт етиштиришни кўпайтиришнинг муҳим манбаидир. Буни яхши тушунган Ленин номли, Калинин номли, Куйбишев номли колхозларда янгидан чўчқачилик фермалари ташкил этилди. «Пойариқ» ва 9-совхоз чорвадорлари чўчқаларни Чиж-Султонов методи асосида намунали боқмоқдалар.

Район хўжаликлари гўшт тайёрлаш юзасидан 3 квартал планини ошириб бажардилар ва йил охиригача уч йиллик план миқдоридагидан ҳам кўпроқ гўшт сотадилар.

Норпой районида молларни бўрдоқига боқиш учун колхозлараро пункт ташкил этилди. 400 қорамол, 1.250 та чўчқа бўрдоқига боқилмоқда. Ярослав Чиж-Жўра Султонов тажрибасидан ўрганган чўчқабоқарлар ҳар бир чўчқанинг тирик вазнини 125—130 килограммга етказиш учун интилмоқдалар. Бу ерда 2 мингта чўчқа боласи ҳам бўрдоқига боқилаётир.

РЕДАКЦИЯГА ХАТЛАР

ҲАР ОЙДА БИР ЎҚИТУВЧИ

Китоб районидаги интернат-мактабга бирор киши кириб қолса, ўқувчилар:

— Янги ўқитувчимиз келди,— дейишади.

Бу бечиз эмас. Чунки, 1959 йил октябрь ойида очилган интернат-мактабнинг 2-синфига биринкетин 5 ўқитувчи келиб кетди. Буидай алмашишлар 3- ва 4-синфларда, хизматчилар орасида тез-тез содир бўлиб турибди.

Нега шундай бўлмоқда, деган савол туғилади. Бунга жавобни директор А. Азимов бериши керак. Чунки, унинг ўзига ёқмаган кишини бир минут ҳам ушлаб тура олмайдиган касали бор. У, интернат-мактабдаги 100 болани 120 деб, давлатдан ортиқча пул олиб туришини ҳам яшириб бўлмайди.

Ўқитувчилар келиб-кетиб турган, директор чўнтагини ўйлайдиган интернат-мактабда ўқитиш ва тарбиявий ишлар аҳволини сўрамасангиз ҳам бўлади.

Э. МУРОДОВ.

ЕЗГИ КИЙИМ ҚИДИРИБ

Амударё районида тўртта участка бор. Бу участкаларда магазинлар кўп. Аммо, бу магазинларда ёзги кийимларни топиш амримаҳол. Аёллар ва эркаклар костюми, плашч, оёқ кийимларини қишлоқлардагина эмас, ҳатто, район марказидаги дўконлардан ҳам топа олмайсиз.

Бешкент районидаги «III Интернационал» колхозида жойлашган магазин мудири М. Хидиров қилиғидан эшитинг. Бу киши, албатта, харидор ҳақидан уриб қолиши керак. Акс ҳолда, молиғ сотмай қўяди. Яқинда колхоз почтальони К. Розиқовга 14 сўм 30 тийинлик ёғни 15 сўмдан, ферма мудири И. Эгамовга 2 сўм 20 тийинлик чойни 2 сўм 50 тийиндан, колхозчи Ю. Ниёзқуловга 2 сўм 20 тийинлик папиросни 3 сўмдан пуллади. Биз бу мудирнинг тарозидан уришини айтиб ўтирмаймиз.

Колхозчилар Хидировга «юлғичлар устози», деб бекор ном қўйишмаган.

Б. ЮСУНОВ, Э. МУСАЕВ.

ИЛҲОМБАХШ САҲИФАЛАР

Қишиликнинг буюк доҳийси, Коммунистик партия ва Совет давлатининг асосчиси В. И. Ленин жуда ҳам бой ва бебаҳо адабий мерос қолдирди. 1893 йилдан 1923 йилгача ўтган ўттиз йил ичида у жуда кўп китоб ва брошюралар, мингларча мақола ва хатлар ёзди, партия съездлари ва конференцияларида, кенгаш ва йиғилишларда докладлар қилди, нутқлар сўзлади. Ҳозирча эълон қилинган Ленин асарлари ва ҳужжатларининг сони 10 мингдан ошиқдир. Бу асарлар рус тилидан СССР халқлари тилларига, шунингдек, чет эллардаги кўпчилик халқлар тилларига таржима қилинган ва қилинмоқда.

Ҳар бир ўқувчи «Тозалик—соғликнинг гарови» деган шиорга қатъий риоя қилади. Юқори синф ўқувчилари энг тоза синф учун курашадилар. Дарсдан сўнг синф хоналарини ўқувчиларнинг ўзлари тозалайдилар. Мактабимизда ўз-ўзига хизмат қилишни жорий қилганмиз. Бу тадбир ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам бериши билан бирга, уларни ўз меҳнатларининг қадрига етишга, бошқаларнинг меҳнатини ҳурмат қилишга ўргатаётир.

Мактабда ижтимоий фойдали меҳнат бригадаси тузилди. Бу бригада аъзолари мактаб ҳовлисини тоза сақлаш, атрофни кўкаламзорлаштириш билан шуғулланадилар. Яқинда шу бригаданинг ташаббуси билан мактаб ҳовлиси ва тажриба участкасига икки мингдан ортиқ дарахт кўчати ўтқазилди. Пилдачилик бригадаси ҳам ташкил этдик. Комсомол қизлардан уюшган бригада аъзолари ҳозир пилла қуртини боқиш учун тайёргарлик ишини қизитиб юбордилар.

Ўқув йилининг бошидан мактабимизда таълимни ишлаб чиқариш билан боғлаб олиб бориладиган махсус синф ташкил қилганмиз. Бу синф ўқувчилари икки группага бўлинганлар. Қиз болалар промкомбинат базасида гиламчилик, ўғил болалар эса дурадгорликни ўрганяптилар. Промкомбинат қизларга учта гилам тўқийдиган станок ажратиб берди. Улар мустақил ишлай оладиган бўлиб қолдилар.

Бу— мактабимизда машғулотлар бир сменага кўчирилгандан кейин ўқувчиларга меҳнат тарбияси беришда амалга оширган дастлабки ишларимиздир. Биз бундан кейин ҳам ўқувчиларга назарий билим бериш билан бирга уларга ишлаб чиқариш малакаларини беришга эришамиз.

Бунинг учун бизда ҳамма имконият бор.

З. ЖУМАНИЁЗОВ.

Хонқа районидаги Сталин номли ўрта мактабнинг директори, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи.

ЎҚИТУВЧИЛИК—ИЖОДИЙ ИШ

Ўқитувчиларни ўзингга жалб қилиб олдингми, дарс юқори савияда ўтишига ишонавер, — дейишади тажрибали ўқитувчилар. Бу гапнинг жони бор. Негаки, ўқувчиларнинг диққатини янги темага тортиш ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун ўқитувчи бугунги темага кеча пухта тайёргарлик кўриши, унга хос методни танлаган бўлиши керак. Агар ўқув программасидаги ҳамма темаларга бир қолипда қарасак, ўқувчиларни зериктириб қўйишимиз табиийдир.

Мактабимизда машғулотларнинг бир сменага кўчирилиши педагогик коллективни ижодий ишлашга, ҳар бир темага пухта тайёргарлик кўришига катта имконият очиб берди. Эндиқўпчилик ўқитувчиларимиз ўқувчиларга билим беришда дарсликларгагина боғланиб қолмай, темаларга алоқадор бўлган қўшимча материалларни ҳам ўрганадилар.

Мактабимизнинг биология ўқитувчиси А. Тойматов, тарих ўқитувчиси Қ. Матқурбонов, физика ўқитувчиси И. Эгамбердиевларнинг дарсларини кузатган киши мамнун бўлади. Бу ўқитувчилар бирор темани кўргазмали қуролсиз ўтмайдилар, дарсга пухта тайёрланадилар.

Ўқитувчилар ўртасида олиб бориладиган оммавий-сиёсий ишларни анча яхшиладик. Ўқитувчилар жамоат ишида ҳам фаол қатнашадилар. Педагогика совети йиғилиши машғулотлар самарадорлигини ошириш ҳақида сўзлаб берганлар. Чигит экишга пухта тайёргарлик кўрилганда ва айниқса шўр ювиш муваффақиятли ўтказилгандагина ваъданинг устидан чиқиш мумкин. Лекин район партия ва совет ташкилотлари буни эътиборга олмаётирлар.

С. ЎРИНОВА,
Қўшкўпир районидаги Гоголь номли мактаб партия ташкилотининг секретари.

КУЧИМИЗНИ АЯМАЙМИЗ

Республика маориф министрлиги мени «Халқ маорифи аълочиси» значоги билан мукофотлади. Ўқитувчиларнинг яқинда бўлиб ўтган съездига делегат бўлиб қатнашдим. Бундай қараганда қизиқ туюлади: колхоз раиси—халқ маорифи аълочиси...

Мен бу ҳурматни колхозимиздаги мактабларда таълим-тарбия сифатини яхшилашда, ёш авлодга меҳнат кўникмалари беришда правлениенинг иштироки, педагогик коллективга яқиндан берган ёрдамимиз туфайли деб биламан.

Кейинги йилларда колхозимиз бадавлат хўжаликка айланди, қишлогимиз қиёфаси ўзгариб кетди, янги-янги бинолар қурилди. Касалхона, электростанция ва радиоузел ишга туширилди. Юздан ортиқ хўжалик янги ва ёруғ уйларга кўчиб чиқди.

Колхозимиз территориясидаги мактабларнинг моддий базасини мустаҳкамлашга ҳам алоҳида эътибор бераяпмиз. Колхоз правлениеси Папанин номли етти йиллик ва «Саво» бошланғич мактабларига янги бинолар қуриб берди. Калинин номли ўрта мактабга политехника таълими эҳтиёжлари учун зарур бўлган анжомлар, физика, кимё кабинетларига кўргазмали ўқув қуроллари, приборлар олиб бердик. Дурадгорлик устахонасини хомашё билан таъминлаб туриб миз.

Мактабга кўрсатаётган ёрдамимизга жавобан, ўқувчилар колхоз ишлаб чиқаришини юксалтиришга катта ҳисса қўшяптилар. Мактаблар бир сменали машғулотларга кўчирилди.

Калинин номли мактабда 50 ўқувчини бирлаштирган далачилик бригадаси тузилган. Бригадага 25 гектар пахта майдони ажратиб берганмиз. Ҳозир бригада аъзолари кўкламга тайёргарлик ишларини қизитиб юбордилар. Бундан буён ҳам мактабга ёрдамимизни аямаймиз. Фикри-ёдимиз болаларимизнинг замонамизга муносиб меҳнатсевар кишилар бўлиб етишишига қаратилган.

С. Т. КИМ.
Гурлан районидаги «Победа» колхозининг раиси.

ТАРБИЯВИЙ ИШЛАРГА КАТТА ЙЎЛ

Шу сатрларни ёза туриб, бундан уч йил олдин бўлган бир воқеа хотирамга келди. Қўшниимиз Қобилиёз ота билан кинотеатр ёнида учрашиб қолдик:

— Сен қанчадан-қанча болаларни ўқитяпсан, — деди ота, — мени сенга андак саволим бор. Неварамни биласан. Ўнинчини тамомлади. Тунов куни анови ўрикка обиноввот пайванд қилгин, десам елкасини қисиб, «билмайман», деди. Мактабда нимани ўргатасанлар ўзи?

Қобилиёз отанинг гапида ҳақиқат бор эди. Ахир, ёшлар ўрта маълумот олардиларку, турмушда зарур бўлган меҳнат кўникмаларини билмасдилар. Партия ва ҳукуматимиз халқ маорифи ходимлари ишидаги шу камчиликни бартараф қилишга ёрдам берди. Энди ўқувчиларимиз етуклик аттестати билан бирга, ишлаб чиқаришнинг бирор соҳаси бўйича ихтисос ҳам оляпти.

Районимиздаги қайси мактабга борманг, ёш авлоднинг станокларни гуриллатиб айлантираётгани, трактор ҳайдаётгани, ёғочдан ажойиб буюмлар ясаётганини кўрасиз. Халқ маорифи ишидан энди юзлаб Қобилиёз оталар мамнун бўла бошладилар.

Район партия, совет ташкилотлари ва жамоатчиликнинг яқиндан берган ёрдами туфайли мактабларимизнинг деярли ҳаммасида машғулотлар бир сменада олиб бориляпти.

Чандирқиёт қишлоқ Советидаги «Пахтакор» колхози (раиси Зариф Худойберганов) ва Чаккашоликор қишлоқ Советидаги Калинин номли колхоз (раиси Худойберган Сотипов) лар ўз территорияларидаги ўрта мактабларга яхши ёрдам бердилар. Умуман, район жамоатчилиги мактабларни бир сменали машғулотларга ўтказиш учун 46 та қўшимча синфхонаси ва 6 та фан кабинети қуриб бердилар. Шундан сўнг мактабларда таълимни ишлаб чиқариш билан узвий боғлаб олиб бориш учун зарур бўлган политехника таълими устахоналари, предмет кабинетларини қўпайтириш, уларни керакли асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга киришилди.

Мактабларимизнинг бир сменали машғулотларга ўтказилиши туфайли улгурмовчи ўқувчилар билан дарсдан сўнг қўшимча консультациялар ўтказиш, тўгараклар ишини жонлантириш, тажриба ер участкаси ва таълим устахоналарида олиб бориладиган меҳнат дарсларининг савиясини ошириш имконияти туғилди. Комсомол ва пионер ташкилотларининг фаолияти сезиларли даражада яхшиланди. Мактабларда адабий кечалар, китобхонлар конференцияси, коммунистик меҳнат бригадалари аъзолари ва донғдор деҳқонлар билан учрашувлар ўтказиб турилибди.

Низомий номли ўрта мактабда далачилик бригадаси ташкил қилиниб, унга Сталин номли колхоз правлениеси 52 гектар ер ажратиб берди. Бу бригадага VIII—X синфлардан 45 ўқувчи аъзо бўлди. Бригада махсус қишлоқ хўжалик асбоблари билан таъминланди. Ўқувчилар 4 звенога бўлиниб, чигит экишга тайёргарлик ишларини қизитиб юбордилар. Ўқувчилар бригадасига тажрибали ўқитувчи Отабой Шарипов раҳбарлик қиляпти.

Кўпчилик мактабларда қишлоқ хўжалиги, техника, спорт ва бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ташкил қилинди. Тўгарак машғулотлари дарсдан кейин ва синфдан ташқари вақтларда муктазам равишда ўтказиб турилибди.

Низомий, «Коммуна», Беруний, Ал Хоразмий номли ўрта мактабларда волейбол, боксчилар тўгараклари ташкил қилинди. Энди район мактабларида спортнинг кўпчилик тури бўйича ўзаро мусобақалар, ўртоқлик учрашувлари ўтказиладиган бўлиб қолди. Мактабларнинг бир сменали машғулотларга ўтказилиши таълим-тарбия ишларининг тобора яхшиланиб боришига катта таъсир қилмоқда.

Х. ШОКИРОВ,
Урганч район халқ маорифи бўлимининг мудири.

Тозалик — соғлиқ гарови. Урганч шаҳридаги В. И. Ленин номли ўрта мактаб ўқувчилари бунга яхши амал қиладилар. СУРАТДА: мактаб санитария постн аъзолари 4-синф ўқувчиларининг озодалигини кўздан кечирмоқдалар.

Ш. РАҲИМОВ фотоси.

АНДИЖОН ЧИЖЧИЛАРИ

АНДИЖОН. (**«Қизил Ўзбекистон» мухбири**). Ленин орденли область чорвадорлари бултур давлатга пландагидан 1549 тонна кўп гўшт сотдилар. Социалистик мажбурият ортиғи билан бажарилди. Ўтган йили чўчқалар сонини кўпайтириш плани қарийб икки баравар адо этилди.

Область колхоз ва совхозлари бу йил гўшт етиштиришни 1959 йилдагидан 2 баравар кўпайтириш мажбуриятини олдилар. Бунинг учун чўчқачиликни ривожлантиришга катта эътибор берилмоқда. Область чорвадорлари Сталин районидаги Калинин номли колхоз чўчқабоқари Нина Гавриловна Бабич тажрибасини қунт билан ўрганмоқдалар.

Бу колхозда ўтган йили 1954 йилдагига қараганда 100 марта кўп — 265 центнер чўчқа гўшти етиштирилди. 10 она чўчқанинг ҳар биридан 20 тадан бола олиниб, ҳаммаси сақлаб қолинди. Бир чўчқанинг ўртача вазни 98 килограммдан келди.

Чўчқаларга бериладиган озуқа рационига ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Чунки колхозда озуқа кўп, хилма-хил бўлиб қолди. Чўчқа гўштининг таннархи ҳам арзонлашди. Ўтган йили колхозда бир центнер чўчқа гўшти 630 сўмга тушди.

— Аммо, дейди ўртоқ Бабич — ҳали баъзи камчиликларимиз бор. Чўчқачилик фермасидаги ишларни механизациялаш суст олиб борилаяпти. Ҳатто чўчқаларни суғориш учун сувни ҳам узоқдан челакда ташиб келтирмоқдамиз. Ем-хашак етиштириш ва тайёрлаш таннархини ҳам арзонлаштириш керак. Биз донгдор чўчқабоқар Ярослав Чижнинг ташаббусига қўшилиб, 1960 йилда 12 она чўчқанинг ҳар биридан камида 20 тадан бола олиб, тўла сақлаб қолиш, 350 бош чўчқа боқиб, камида 300 центнер чўчқа гўшти етиштириш, бир центнер гўштнинг таннархини кўп деганда 450 сўмга тушириш мажбуриятини олдик.

Андижон районидаги «Шарқ юлдузи» колхозида чўчқабоқар ўртоқ Абдулла Иртишев бултур 14 бош она чўчқанинг ҳар биридан 16 тадан бола олиб, 8 тонна чўчқа гўшти топширган эди. Ўртоқ Иртишев Ярослав Чижнинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, бу йил 230 бош чўчқани бўрдоқига қўйдик, — дейди правление раиси ўртоқ Юнусали Йўлдошев, — чўчқабоқарларимиз Сергей Вишняков ва Клавдия Вишнякова ўртоқлар чорвачиликнинг бу сердаромад тармоғини ривожлантиришга катта ҳисса қўшаётирлар.

Андижонлик чижчиларнинг дастлабки иши ёмон эмас. Чўчқачиликни ривожлантириш ва уни илғор усуллар билан боқиш туфайли областда гўшт етиштириш юзасидан олинган мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишига шубҳа йўқ.

Н. ҲАКИМОВ.

СЕН ҲАМ ҚАҲРАМОН БЎЛ!

Неъмат РАҲМОНОВ фотоэтюди.

УЙ-ЖОЙ КЎП БЎЛАДИ

Фарғонадаги консерва заводи томат цехининг ишчилари ишдан кейин агитатор Аъзамжон Шокировнинг суҳбатини тинглаш учун кунаро қизил бурчакка йиғиладилар.

Агитатор навбатдаги суҳбатни халқ фаровонлигининг ўсиши темасига бағишлади.

— Партия ва ҳукуматимиз, — деди агитатор, — меҳнаткашларнинг турмуш шароитини яхшилаш учун барча чораларни кўрмоқда. Ўз заводимизди янги қурилишларни кўздан кечирайлик. Ўтган йили 6 та икки квартиралик, 3 та уч квартиралик, битта 12 квартиралик уй-жой қурилди. 12 квартиралик икки қаватлик бино ишчиларнинг бевосита ташаббуси ва иштироки билан 3 ойда битказилди. Турсун Исмоилов, Зубайда Эргашева, Қамчиев, Вдовин, Гувинский, Пономорев каби ишчиларга горькийликлар ташаббуси асосида қурилган кўп қаватли уйдан квартиралар берилди. Ишчи Алиев, Шумина. Вихонани, Абдуалимова, Петряков, жами 16 киши якка тартибда уй қуриб олди. Уларга 7 минг дона шифер, 320 кубометр ёғоч-тахта, тайёр дераза, эшиклар берилди.

Агитаторнинг суҳбати мароқли бўлди. У, еттинчилликни беш йилда бажариш учун курашаётган цех ишчиларини янги меҳнат ғалабаларига илҳомлантирди.

И. ТЎХТАСИНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» муҳбири.

Шаҳарга ҳусн

Қарши шаҳри бу йил янада гўзал ва кўркам бўлади. Шаҳарни обод қилиш учун 1 миллион 400 минг сўм маблағ ажратилди. Ленин кўчасида Комсомол кўли бўйлари ва кинотеатр ёнида янги хиёбон ва гулзорлар қилинади. Шаҳар кўчаларига 75 минг тупдан ортиқ манзарали дарахт кўчати ўтказилди.

С. НУРОВ.

БАҒДОДДА СОВЕТ ВИСТАВКАСИ

Апрель ойининг бошларида Бағдодда очиладиган совет саноат выставкасига СССР дан минглаб экспонатлар жўнатилди. Бу виставка бу йил Бутуниттифоқ савдо палатаси чет мамлакатларда ташкил қиладиган выставкалар ичида энг йирик виставкалардан бири бўлади.

Бизга дўст Ироқ Республикасининг пойтахтида совет саноати виставкаси биринчи марта очилмоқда. Виставкага келувчилар СССР халқ хўжалигининг турли тармоқларида техникани тараққий эттириш соҳасида қўлга киритилган жуда катта муваффақиятлар билан таниша оладилар. Москва, Ленинград, Киев, Рига шаҳарларидаги ва бошқа шаҳарлардаги заводлар Бағдодда ўз маҳсулотларини кўрсатадилар. Экспозициялар ўн минг квадрат метрдан иборат майдонда жойлаштирилади. Виставкада энг янги станоклар, машиналар, металл қирқадиган асбоблар, ўлчов приборлари, электродвигателлар, генераторлар кўрсатилади. Совет автомобиллари, мотоциклари, велосипедлари алоҳида ўрин эгаллайдилар. Экспонатлар ичида СССР-ни электрлаштириш харитаси, ёқилғи билан ишлайдиган ва 2400 минг киловатт қувватга эга бўлган электростанциянинг макети бор.

Жуда катта нефть запасларига эга бўлган Ироқ Республикасининг мутахассислари нефтни қайта ишлайдиган корхоналарни қуришга доир экспонатлар билан, СССР да нефтни қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш соҳасидаги илмий-тадқиқотларни кўрсатувчи экспонатлар билан таниша оладилар. Совет фанининг тараққиётига, космик бўшлиқни ўрганиш проблемасига махсус бўлимлар бағишланган.

ҲИСОБ 2,5 : 1,5

БОТВИННИК-ТАЛЬ ШАХМАТ МАТЧИ

Шахмат бўйича жаҳон биринчилиги учун ўтказилаётган матчнинг 22 мартда ўйналган тўртинчи ўйинида Михаил Ботвинник оқ доналар билан ўйнади. Роса соат 17 да матчнинг бош арбитри Гидеон Штальберг (Швеция) соатни юргизди. Ботвиннин биринчи донани сурди, Таль эса ҳали саҳнада йўқ эди. У икки минут кечикиб келди. Шахмат тахтаси олдига ўтиришдан олдин, Таль ўз рақиби билан, арбитрлар билан ва Ботвинникнинг секунданти билан қўл бериб кўришди.

Кураш бошланди. Немцович ҳимояси ўйналди. Таль дастлабки юришлардаёқ йўқотилган дақиқаларни қоплабгина қолмай, шу билан бирга юришларнинг тезлиги жиҳатидан ўз рақибидан ўтиб ҳам кетди.

Дастлабки 12 юришда Ботвинник ярим соат сарфлагани ҳолда, Таль 15 минут сарфлади. Шундан кейинги юришларда вақтлар тафовути ригалик фойдасига тағин ҳам кўпроқ ошди.

Ботвинникнинг ўн еттинчи юриши кўпгина баҳсларга сабаб бўлди. Ана шу юришдан кейин Таль ўз фарзинибилан иккинчи линияга кириб олди. Унинг ошкора нияти фарзинларни алиштириш эди. Гроссмейстерларнинг кўпчилиги яхши ҳужумкор имкониятга эга бўлмоқ учун жаҳон чемпиони фарзинларни алиштирмаслиги керак эди, деб ҳисобламоқда.

Аммо фарзинлар алиштирилди. Соат 20 га бориб, ўйин соддалаштирилди. Ҳар икки томон ҳам бир хилдаги имкониятга эга эди.

Шундан кейинги юришларда асосий сипоҳлар ҳам алиштирилди. Қирқ биринчи юришда Ботвинник ўйинни дуранг қилишни таклиф этди. Таль бу таклифни қабул қилди.

Шундай қилиб, матчнинг тўртинчи ўйини дуранг бўлди. Жаҳон биринчилиги учун ўтказилаётган матчда 2,5:1,5 ҳисоби билан Таль олдинда бормоқда. (ТАСС).

РЕСПУБЛИКА БИРИНЧИЛИГИ УЧУН

Тошкентда Тошкент шаҳри, Тошкент области ва Қорақалпоғистон АССРнинг энг кучли 14 шахматчилари ўйин бошладилар. Улар орасида мастерликка кандидатлар У. Элбеков, Е. Мухин, И. Бирбрагер, Қорақалпоғистон АССРнинг чемпиони, I разрядли А. Сорокин ва бошқалар бор.

Ҳозир 12 имкониятдан 10 очко тўпланган Е. Мухин билан 11 имкониятдан 8 очко тўпланган И. Бирбрагерлар мусобақада олдинда бормоқдалар.

Мусобақа давом этяпти.

ЧЖОУ ЭНЬ-ЛАЙНИНГ НЕРУГА МАКТУБИ

ПЕКИН, 22 март. (ТАСС). Синьхуа агентлиги хабар беради: Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош министри Чжоу Энь-лай 19 мартда Ҳиндистон бош министри Неруга жавоб мактуби юборди.

Қуйида мактубнинг тексти келтирилади:

Ҳиндистон республикасининг ҳукуматига

Бош министр Жавоҳарлал Неру жаноб олийларига,

Деҳли.

Қадрдон бош министр жаноблари!

Ҳиндистоннинг Хитойдаги элчиси Пархтасаратхи жаноблари 5 мартда Сизнинг мактубингизни менга топширди. Сиз менинг Деҳлига қиладиган визитим учун тахминан 20 апрелни мўлжаллаш мумкин, деб таклиф қилгансиз. Бу муддат мен учун қулайдир ва мен бу таклифга тамомила қўшиламан. Сиз учун ва Ҳиндистон ҳукумати учун қулай бўлган тақдирда мен Деҳлида етти кун, яъни 19 апрелдан 25 апрелгача меҳмон бўлишга тайёрман.

Мен Сиз билан яна учрашишни ва улуғ мамлакатингизда бўлишни астойдил истайман.

Самимий салом билан

Хитой Халқ Республикаси Давлат Кенгашининг Бош министри

Чжоу Энь-лай.

МУДҲИШ ЖИНОЯТ

ЛОНДОН, 22 март. (ТАСС). Телеграф Жанубий Африка иттифоқидан даҳшатли хабар келтирди: Полиция Шарпевиль деган жойдаги африкаликларнинг тинч намойишини кеча ўққа тутиб, 170 кишини ўлдирди ва 400 кишини ярадор қилди. Бугун Англия матбуотида босилган хабарларда айтилишича, полиция намойишчиларни суриштирмай ўққа тутиб, эркаклар, хотинлар ва болаларни ўлдира берган. Орадан бир неча соат ўтгач, полиция Кейптаун яқинидаги Ланг деган жойда намойишчиларни ўққа тутиб, 7 кишини ўлдирган ва 46 кишини ярадор қилган. Шарпевилдаги намойишчиларни ўққа тутиш вақтида ҳозир бўлган мухбирларнинг хабарида айтилишича, намойишчиларнинг тепасида реактив самолётлар учиб юрган.

* * *

ЛОНДОН, 23 март. (ТАСС). Жанубий Африка Иттифоқи шаҳарларидаги ва шу шаҳарлар атрофидаги вазият ҳали ҳам жуда кескин. Унинг гражданлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиб, тинч намойиш ўтказаётган африкаликларни Шарпевилда кеча ўққа тутганлик натижасида рўй берган қонли воқеалар маҳаллий аҳолини ғоят газаблантириб юборди. Телеграф агентликларининг хабарларида айтилишича, Кейптаундаги ва бошқа шаҳарлардаги саноат корхоналарида ишлаётган африкалик ишчиларнинг 80 процента кеча ишга чиқмади. Шаҳар транспорти тўхтаб қолди. Африкаликлар яшайдиган маҳаллалардаги уйларнинг деворларида «Эркинлик» деган шиорлар пайдо бўлди. Кўп жойларда африкаликларнинг намойишлари бўлиб ўтди.

Кейптаун яқинидаги Ланг деган жойда кечагина африкаликлардан 7 киши ўлдирилган эди. Шу жойнинг кўчаларида кеча яна полиция бир группа африкаликларни ўққа тутди. Африкаликлардан 4 киши ярадор қилинди, 15 киши қамоққа олинди.

Африкаликларни камситиб, уларни шахсий гувоҳнома олишга мажбур қилишга қарши норозилик кампаниясини бошлашга ташаббускор бўлган панафрика конгрессининг иш комитети баёнот эълон қилиб, полициянинг қуролсиз кишиларга сабабсиз ҳужум қилганлигига қарши кескин норозилик билдирди. Баёнотда, панафрика конгрессининг тарафдорлари «африкаликлардан лоақал бир киши тирик қолгунча» «Африка ишининг» тўла галаба қозонишига қадар курашни ҳеч бир нарсага қарамай, давом эттира берадилар, дейилади, лекин бу кураш зўрлик воситалари ишлатилмай давом эттирилади, деб таъкидланади.

ТОБЛАНГАН ДЎСТЛИК

«НОРМАНДИЯ-НЕМАН»

Французлар Совет ҳукуматининг бошлиғи Н. С. Хрушчев визитига жуда катта умид боғлаяпти. Кишилар халқаро муносабатларда самимийлик вужудга келишини, халқаро алоқа ва дўстлик тобора кенгайишини ҳамда мустаҳкамланишини, бутун дунёда барқарор тинчлик бўлишини,эркин нафас олиб беташвиш яшашни истайдилар.

Совет ва Француз халқларининг дўстлиги кўп қирралидир. Бу дўстлик кўп синовлардан ўтган. Совет халқи Улуғ Ватан уруши йилларидаги оғир синовларни сира унутмайди. Умумий душманимиз — немис фашизмига қарши курашда Совет Армияси, совет халқи билан ёнмаён турган француз ватанпарварлари, француз халқининг улуғ халқимиз билан дўстлиги қон билан мустаҳкамланган.

Совет ва француз кинематографиячилари икки халқ ўртасидаги дўстлик тарихининг ана шу ажойиб саҳифаси тўғрисида «Нормандия-Неман» фильмини яратдилар.

Бу фильмнинг премьераси Парижда ҳам, Москвада ҳам бўлиб ўтди. Париждаги премьерада қатнашган совет делегацияси составида Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал майор А. Е. Голубов ҳамда инженер-полковник С. Агавельян ҳам бор эди.

«Нормандия» қўшилмасининг учувчилари А. Е. Голубов қўмондонлик қилган 18-гвардиячи қирувчи полк учувчилари биргаликда фашист калхатларига қарши жанг қилганлар. Мана, орадан кўп йиллар ўтгач, жанговар дўстлар яна учрашдилар.

— Биз Парижда учрашдик, — деб ҳикоя қилади запасдаги генерал майор Анатолий Емельянович Голубов. — Бизни кучоқ очиб кутиб олишиб, Париждаги энг йирик кинотеатр «Ле Пари»га таклиф қилишди. Уша кун Совет Армиясининг 42 йиллик кунига тўғри келган эди. Француз дўстларимизнинг премьера кунини шонли айёмга тўғрилаб ўтказмоқчи бўлганлари бежиз эмас.

Фильм тугади. «Ле Пари» залини тўлдирган кишилар «Нормандия-Неман» полкининг генерал Пуйяр бошлиқ 22 учувчиси саҳнага чиққанида ўринларидан туриб табрикладилар. Биз ана шу жасур учувчилар билан ёнма-ён турганимизда қарсаклар янада гуриллади.

Биз жанговар дўстларимиз билан учрашар эканмиз, даҳшатли уруш йилларини, ҳаёт-мамот жангларида тобланган дўстликни, бир-биримизга бўлган чексиз садоқатни эсладик.

Эшикда бўлса, баҳор қўёши нур сочар, паришлик болалар ўйнаб-кулиб юришарди. Бу самимий дўстликдан, баҳор қўёши ҳаммамизга тенг нур сочиб турганлигидан биз ҳам болалардай қувнардик. Оғир уруш йилларида бўлганидек, паришлик билан москваликнинг, эльзаслик билан рязанликнинг, марселлик билан ереванликнинг қувонч сўзлари қўшилиб кетарди.

Мен француз учувчилари турган ертўлани эсладим. Қизил ва кўк қалам билан белгилар қўйилган харита ёнида деворга француза плакат ҳам осиб қўйилган эди. Бу плакатда: «Барча французларга! Франция жангни ютқизди, лекин Франция урушни ютқизгани йўқ» деб ёзилгани эсимда. Бу сўзлар «Нормандия» қисмининг шиори эди.

А. Е. Голубов жанговар йилларда олинган фотографияларни кўрсатади. Улардан бирида капитан Литольф Альберт рус дўсти билан бирга суратга тушган.

— Капитан Литольф, — дейди Анатолий Емельянович, — Франциянинг энг яхши ишқорларидан бири, «Нормандия» учувчиларининг ифтихори эди. У, 1940 йилнинг 11 майидаёқ жанжон Франция осмонида учиб юрган фашист калхатларидан тўрттасини уриб туширган эди. Бироқ, хоинлар Францияга хиёнат қилдилар. Аммо, француз ватанпарварлари таслим бўлганлари йўқ. Кўпгина французлар қаторида Литольф Альберт ҳам совет-герман фронтига келди.

Французларнинг: «Кимки ғалаба истаса, у ғолиб чиқади» деган мақоли бор. Биз ҳам, жанговар дўстларимиз ҳам ғалабага ишондик ва душманни тор-мор келтирдик.

«Нормандия» учувчилари уруш йилларида зўр баҳодирлик кўрсатдилар, ғалаба нашъасини биз билан бирга баҳам кўрдилар, қийинчиликларимизга шерик бўлдилар. Улар уруш йилларида 5240 жанговар топшириқни бажардилар, 869 марта ҳаво жангларида қатнашдилар.

«Нормандия» эскадрильясининг учувчилар состави қўмондонлик томонидан берилган жанговар топшириқларни бажаришнинг юксак намунасини кўрсатди, жасорат билан жанг қилди. Мана, старший лейтенант Альберт Марсель. У Совет Иттифоқи Қаҳрамони. Француз шунқори 188 марта жанговар учишда қатнашиб, 55 ҳаво жангида иштирок этди, душманнинг 22 та самолётини уриб тушурди.

1943 йилнинг декабрь ойида француз учувчилари совет колхозчиси Ферапонт Головатий бошлаган ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, ўз шахсий жамғармаларидан мудофаа фондига 82 минг сўм топширдилар.

«Нормандия» полкининг бутун шахсий состави ҳамиша, энг оғир дақиқаларда ҳам совет халқига самимий, дўстона муносабатда бўлди.

«Нормандия» авиация полки фашизмга қарши курашда мисли йўқ жасорат кўрсатди. Полк байроғи совет ва француз орденлари билан безалган. Француз халқининг энг яхши фарзандларидан 4 кишига Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилган.

Улуғ Ватан уруши жангларида қон билан мустаҳкамланган дўстлигимиз французларнинг қалбида доим яшашини биз Франция тупроғида қадамба-қадам сезиб турдик.

Совет ҳукуматининг бошлиғи Никита Сергеевич Хрушчев Франция тупроғига яхши ният билан сафар қилди. Францияда бугун бундан ҳам муҳимроқ тема йўқ. Меҳнаткаш француз халқи мамлакатларимизга дўстона муносабатлар ва ҳамкорлик жуда зарурлигини яхши биладилар.

Г. БАҲШИЕВА
«Қизил Ўзбекистон»нинг Москвадаги мухбири.

СУРАТДА: «Нормандия» қўшилмасининг жангчилари совет учувчилари билан суҳбатлашмоқда.

ПРАВДА ВОСТОКА

В. И. Ленин туғилган кунга 90 йил тўлиш олдидан Ленин вахтаси хабарлари, В. Манелишнинг К. Маркс билан Ф. Энгельснинг ёзишмалари конспекти тўғрисидаги мақоласи босилган. Шеробод район партия комитетининг секретари Э. Муҳаммадиев ўз мақоласида манжажўхоридан мўл ҳосил олиш, чорвачилик маҳсулотларини кўпайтириш масаласини кўтарган. Самарқанд областида кўкламга тайёргарлиқни текширган рейд қатнашчилари «Булунғурда район ташкилотларига ҳавойи сводкаларни тақдим қилиш оммавий тус олган» дейдилар. В. Михайловнинг мақоласида «Ташгоргаз» трести ишини яхшилаш зарурлиги таъкидланган. Т. Кутузованинг мақоласи, Ўзбекистон курортлари ва дам олиш уйлари тўғрисида Ю. Андрианов билан суҳбат берилган.

ЧЕТ ЭЛ ХРОНИКАСИ

▲ Яман короли Имом Аҳмад Совет Иттифоқининг иқтисодий ва техника ёрдами билан қурилаётган Ходейда портига борди ва ишларнинг бориши билан танишди.

▲ Париждаги энг йирик «Шатле» театрида совет скрипкачиси Леонид Коган ва композитор Арам Хачатурянниинг концерти бўлди. Париж томошабинлари совет санъат арбоблари концертини қизғин кутиб олдилар.

▲ Халқаро матбуот институтининг таклифига мувофиқ, Бирма уюшмаси союзининг раҳбари У Ну 5 кунлик визит билан Японияга келди. У Токиода очиладиган шу институтнинг конференциясида иштирок этади, Япония ҳукуматининг раҳбарлари билан учрашади.

▲ Германия Федератив Республикасининг президенти Любке Ғарбий Берлинга келди. Бу — Ғарбий Германия президентининг шу йил давомида Ғарбий Берлинга қилинган иккинчи визитидир.

▲ Анқарада Болгария ва Туркия ёшлар терма командалари ўртасида футбол бўйича учрашув бўлди. Мусобақада Туркия футболчилари 3:0 ҳисоби билан ютдилар.

БУГУН ТЕЛЕВИЗОРДА

19.30. Ёш ёзувчилар экранда. 19.50. Илмий-оммабоп фильм **«Қанотли душманлар»** (ўзбек тилида). 20.10. Саноат ходимлари учун **«Бир процентнинг қиммати»** деган эшиттириш (ўзбек тилида). 20.25. Сўнгги ахборот. 20.45. **«Ленин мукофотига тақдим этилган асарлар»** деган темада адабий эшиттириш (ўзбек тилида). 21.15. Бадиий фильм **«Шинель»**.

Газетанинг бугунги сонига Ўзбекистон ССР 1960 йилги пул-буюм лотереяси биринчи чиқарилиши тиражининг расмий жадвали илова қилинди.

Редактор И. РАҲИМОВ.

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/III да премьера **Дон-Кихот**, 25/III да кундуз **Демон**, кечқурун **Шопениана** ва **балетлардан парчалар.**

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/III да **Ганг дарёсининг қизи**, 25/III да кундуз **Йўлчи юлдуз**, кечқурун **Алишер Навоий.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 24/III да **Нурхон**, 25/III да кундуз **Муқимий**, кечқурун **Ошиқ Ғариб.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Нина ва Александр Капитановлар** раҳбарлигида **«Чанғалзордаги ҳодиса»** аттракционининг сўнгги кунлари.

Томоша кеч соат 8 да бошланади.

КИНО

Хўрланганлар (кенг экранли) — «ВАТАН» (1-серия, кундуз соат 1 да), «МИР» (кундуз 4, кеч 6 ва 8 да), 2-серия «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Капитан қизи — «ЎЗБЕКИСТОН», «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун), «МИР» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва кеч 10 да).

Команда — СОБИР РАҲИМОВ номли (кундуз ва кечқурун).

Суд қолдирилади — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ИСКРА», «СПУТНИК» (2-залда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), Навоий номли (кундуз соат 1 ярим, 3-20 минут, кеч 5, 8 ва 11-10 минутда).

Манана — НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10 ярим, кундуз 12, кеч 6-40 минут ва 9-50 минутда).

Оқ тунлар — «ИСКРА» (кеч соат 10-20 минутда).

Дон Сезар де Базан — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 10 да).

Кема командири — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 10 да).

Кобиллик — «СПУТНИК» (1-залда кундуз ва кечқурун).

30 МАРТДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА
Ҳамза номли театр биносида

3% ЛИ ДАВЛАТ ИЧКИ ЮТУҚ ЗАЁМИНИНГ
74- ютуқлар тиражи бўлади

Тиражда: 50,000, 25,000, 10,000, 5,000, 1,000 ва 400 сўмлик ютуқлар ўйналади.

Бу заёмнинг облигациялари омонат кассаларда сотилади ва бемалол сотиб олинади.

3% ли заём облигацияларини сотиб олингиз!

ТОШКЕНТ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ИНСТИТУТИНИНГ
26 март кеч соат 6 да, Навоий номли театр биносида **институтни тамомлаган ўртоқлар билан**

учрашув кечаси

Таклиф билетларини институт дирекциясидан олиш мумкин.

Диссертация ёқлайдилар:

1960 йил 4 апрель кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Биология фанлари бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Куйбишев кўчаси, 15-уй, Фанлар академияси президиумининг конференц-зали) биология фанлари кандидати деган даражани олиш учун:

Р. Худойберганов: «Ковулнинг биологияси ва уни экиб ўстириш» деган темада.

Э. С. Маҳмудов: «Иссиқ шароитда ҳар хил сифатли овқатнинг ва овқатланиш тартибининг сув-туз алмашинувига таъсири» деган темада.

<>

1960 йил 5 апрель кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ижтимоий фанлар бўлимининг бирлашган илмий совети мажлисида (Навоий кўчаси, 69-а уй, ижтимоий фанлар институтларининг конференц-залида):

Х. Болтабоева — филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Хозирги замон ўзбек тилида гапнинг ажратилган изоҳ бўлаклари» деган темада.

Л. Г. Тетенева — тарих фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун: «Ўзбекистон ишчилар синфининг саноатда иккинчи беш йиллик планни бажариш учун кураши (1933 — 1937)» деган темада.

Диссертациялар билан Фанлар академиясининг асосий кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1- уй).

Сапёрная кўча, 68-уйда турувчи **Михаил Юсупович Ильяевнинг** шу уйда турувчи Елизавета Яковлевна Коневадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Ленин район, 2-участка халқ судида кўрилади.

Молоков кўчаси, 57-уйда турувчи **Антонина Семёновна Питиновани**нг шу уйда турувчи Николай Васильевич Питиновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Киров район, 1-участка халқ судида кўрилади.

БОМБА БИЛАН ОЛИШУВ

Шу кунларнинг бирида Москва яқинидаги Клин шаҳри аҳолиси кенг майдонга тўпланиб, бир гуруҳ жангчиларни қўл-қўл қилиб осмонга иргитиб олқишлади, шодхуррам бўлиб, устма-уст «Ура!»лаб қичқирдилар.

— Нега бунча тантана? Энди ўн тўққиз-йигирма ёшга тўлган бу йигитларга бунчалик ҳурмат нимадан?

... Жалолобод Москвадан узоқда. Қалин қор остида ётган Москва атрофи ерлари ҳам Сўзоқ райони далаларига ўхшамайди. Энди Қаюм Абдуманнонов бу ноўхшашликдан илгаригидай таажубланмайди ҳам. У туғилиб ўсган Тошбулоқ қишлоғида Қаюмнинг аълочи жангчигина эмас, балки довюрак йигит эканлигини билишармикан?

Ҳарбий қисмнинг бугунги одатдан ташқари тонгида жангчилар сафидан биринчи бўлиб олдинга қадам босган ва:

— Мен бораман! — деган шу Қаюм Абдуманнонов бўлди.

У билан изма-из ҳеч иккиланмай яна бир қўнғир соч Петр Мандра деган йигит олдинга чиқди. У ҳам дўсти Қаюмдек дадил гапирди:

— Мен ҳам тайёрман!

Яна бир солдат илгарилади. Орадан бир неча секунд ўтар-ўтмас, саф тортиб турган жангчиларнинг ҳаммаси ўз командири томон бир қадам илгарилади.

... Ўн саккиз йил бурун, немис фашистлари Совет Армияси томонидан қақшатгич зарба еб қочганида душманнинг йирик бир бомбаси Клиндаги П. И. Чайковский уй-музейи яқинига тушган, лекин ер қаърига кириб, портламай қолган эди. Фронт чегараси Ғарбга силжигач, клинликлар ўз ташвишлари билан овора бўлиб, портламай қолган бомбани унутиб юборган эдилар.

Уруш давридан қолган ўқ-дориларни совет жангчилари бешикаст қазиб олаётгани тўғрисидаги хабарларни газеталарда ўқиб, ўртоқ Зепалин портламай қолган ўша бомбани эслади ва Совет Армияси қисмларидан бирининг қўмондонлигига маълум қилди. Бомба унинг томорқасига тушганлигини айтди.

Зепалин ҳовлисига старший лейтенант Н. П. Хахилев бошлиқ пиротехниклар гуруҳи етиб келди. Офицер Н. П. Хахилев бундай хавфли вазифани кўп марта ўтаган ва снаряд, бомбалар уюмини шикаст етказмай ердан кавлаб олган. Клиндаги бомбани бешикаст олиш учун келганида у катта тажрибага эга эди.

Жангчилар бомба тушган жойни узоқ қидирдилар. Осон эмас, албатта. Илгарилари сабзавот экилган томорқада яқшигина боғ яратилибди. Пиротехниклар учта ўра қазидилар ва энг сўнггисида бомба изига дуч келдилар. Тўрт ярим метр чуқурда бомба стабилизатори кўринди, унга қараб бомбанинг ҳажмини аниқладилар.

Ефрейтор Николай Вакуленко, оддий аскар Қаюм Абдуманнонов, Неъмат Бердибеков ва Петр Мандралар ўрани беш-олти метргача кавлаб тушишди ва ниҳоят, баҳайбат пўлат снарядга дуч келдилар. Уни жуда эҳтиётлик билан оча бошладилар. Дўстларига кўмаклашган Саҳобиддин Жалолов ҳам ўрага тушди.

Қаюм Абдуманнонов минг килограммли бомбанинг электр портлатгичини топди. У портлатишга мўлжаллаб қўйилган экан.

— Қимирлатиб бўлмайди, портлаб кетади,— деди старший лейтенант Хахилев. — Жойида ҳам портлатиб бўлмайди. П. И. Чайковский уй-музейи ва атрофдаги бошқа уйлар вайрон бўлади.

Буни эшитиб, пиротехниклар группаси «қандай бўлмасин, бомбани қазиб оламиз» дедилар. Довюракларнинг бир қисми ўрада ўтириб, бошқалари эса тепадан зарур асбобларни узатиб, ҳаётини хавф остида қолдирган ҳолда ишлай бошладилар.

Бу пайт яқин атрофда яшовчи беш мингдан ортиқ аҳоли хавфли зонадан четга чиқариб юборилди. Бомба яқинига махсус йўл қурилди. Унгача пиротехниклар зўр машаққатлар билан бомбани эҳтиёт бўлиб тупроқдан тозаладилар. Қаюм Абдуманнонов билан Петр Мандра тағин пастга тушишди. Автомобиль кранининг тросини эҳтиётлик билан бомба қанотига боғлаб бердилар.

Кран ричаги айлана бошлади ва бомба секин-аста ердан ажраб, тепага кўтарилди.

Ҳалокатли юк довюраклар кучи билан автомашинанинг қум тўлдирилган кузовига эсон-омон ётқизилди. Шофер-жангчи Анатолий Зикратий машинани оҳиста қўзғатди. Бомба ёнида Қаюм Абдуманнонов, Петр Мандра ва старший лейтенант Н. П. Хахилев тик туриб борардилар.

Бомба хавфсиз жойга олиб борилди ва портлатилди.

Бу — совет жангчилари кўрса таётган ажойиб, сўнмас қаҳрамонлик ва жасоратнинг бир лавҳасидир.

«Қизил Ўзбекистон» мухбири.

Яқинда уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Ҳамроқул Турсунқулов довюрак жангчилар хизмат қилаётган ҳарбий қисмга меҳмон бўлиб борди. СУРАТДА: Ҳамроқул Турсунқулов жангчилар орасида.

Б. ВАСИЛЬЕВ фотоси.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: **ТОШКЕНТ, „Правда Востока“ кўчаси 26 уй**

КОММУТАТОР — 26334, 33262. **Редакция бўлимларининг телефонлари:** партия турмуши— 27604, Пропаганда — 31226, Саноат ва транспорт — 34780, Совет қурилиши — 27604, Қишлоқ хўжалиги — 34455, Адабиёт ва санъат — 32036, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524, Маҳаллий ахборот — 34524, Оммавий ишлар ва хатлар — 39005, Секретариат — 33469, 32347, Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Узбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси

Р 02608 Нашр. А. № 69.